



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 79 (11.640)

Баҳоси эркин нарҳда

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

**Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 23 апрель куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котиблари, шунингдек, ШХТ Бош котиби М.Имоналиев ва ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси директори Ж.Жуманбековни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари ШХТ фаолиятининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича кўп томонлама комплекс чора-тадбирлар ўнлаб қилиш ва амалга ошириш каби йўналишларидаги ҳамжиҳатлик юксак натижалар бераётганидан мамнуният изҳор этиб, уларни мувофиқлаштиришда ушбу нуфузли халқаро ташкилотга аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари муҳим ўрин тутганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ҳозирги даврда ШХТнинг нуфузи, фаолиятининг аҳамияти ошиб бораётгани ҳақида сўз юритар экан, минтақавий ва глобал хавфсизлик муаммоларини ҳал этишда, халқаро терроризм, айримчилик, экстремизм ва наркотрафика, шунингдек, стратегик муҳим минтақа бўлган Марказий Осиёдаги бошқа таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашишда мазкур ташкилотнинг роли тобора кучайиб бораётганини қайд этди.

Мамлакатимиз раҳбариятининг ташаббуси билан 2004 йилда ташкил этилган ШХТга аъзо мамлакатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашуви институти ҳозирги шароитда минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ўзаро келишилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишда муҳим механизмга айланди.

Жорий йил июнь ойининг биринчи ярмида Тошкентда ўтказилиши мўлжалланган ШХТ саммити арафасидаги тадбир-

лар доирасида мазкур ташкилотнинг турли тузилмалари томонидан қарорлар қабул қилиш механизми самарадорлигини ошириш истиқболлари кўриб чиқилди. Учрашув қатнашчилари ШХТга аъзо мамлакатларнинг минтақавий ривожланишининг кўплаб долзарб йўналишлари бўйича ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган конструктив фикр алмашиш муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Бунда, айниқса, 2010 йил 5 апрель куни Тошкент шаҳрида имзоланган ШХТ ва БМТ Котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация асосида БМТнинг тегишли антитеррор бўлими билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Оқсаройдаги учрашувда меҳмонлар самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўплаб соҳаларда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда, айниқса Ўзбекистон Республикасининг ШХТга раислиги даврида, ушбу ташкилот фаолиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Сўхбат чоғида ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида тайёргарликнинг бориши тўғрисида, умумминтақавий аҳамиятга эга бўлган бошқа масалалар хусусида фикр алмашилди.

(ЎзА)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 23 апрель куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Мэн Цзяньчжунни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг устувор йўналишлари сиёсий алоқаларни ривожлантириш, минтақавий хавфсизликни мустақамлаш борасидаги ҳамкорликни, жумладан, ШХТ доирасида янада фаллаштириш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришдан иборат эканини таъкидлади.

Меҳмон таъкидлаганидек, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан кўплаб соҳаларда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришда, айниқса Ўзбекистон

Республикасининг ШХТга раислиги даврида, ушбу ташкилот фаолиятини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон ҳам Хитой каби қуролли моҳорлар давом этаётган ҳудудларга яқин жойлашгани боис минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга стратегик муҳим аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашини қайд этди.

Учрашувда ШХТ доирасидаги ҳамкорлик самарадорлигини ошириш мақса-

дида ташкилот ва унинг тузилмавий бўлиmlарининг нуфузини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилиш механизмининг такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Мэн Цзяньчжун самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон раислигида ШХТ доирасида режалаштирилаётган тадбирлар, шу жумладан, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистон Республикасида давлат ташрифи юксак савияда ўтишига ишонч билдирди.

(ЎзА)

## ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШЛАРИ КОТИБЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ УЧРАШУВИ ҲАҚИДА

### АХБОРОТ

Тошкентда 2010 йил 23 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котибларининг навбатдаги — бешинчи учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қозғосгон Республикаси Хавфсизлик кенгаши котибининг ўринбосари К.Жанбуршин, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Мэн Цзяньчжун, Қирғизистон Республикасининг ШХТ масалалари бўйича миллий мувофиқлаштирувчиси Т.Макеев, Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Н.Патрушев, Тожикистон Республикаси Хавфсиз-

лик кенгаши котиби А. Азимов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Атаев иштирок этди.

Учрашувда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби М. Имоналиев ва ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (МАТТ) Ижроия кўмитаси директори Ж. Жуманбеков қатнашди. Мажлис Ўзбекистон томони раислигида ўтди.

Учрашувда ШХТ ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга доир долзарб масалалар, ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айримчилик ва экстремизмга, шунингдек, наркотик-

ларнинг ноқонуний айланиши ҳамда интернет-терроризмга қарши курашиш борасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш механизмининг такомиллаштириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. Томонлар ШХТнинг бошқа халқаро ташкилотлар билан хавфсизликни таъминлаш соҳасида ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича ўз фикрларини билдирдилар.

Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Тошкентда бўлиб ўтаётган мажлиси доирасида тасдиқлаш учун тақдим этилганнинг ҳужжатлар ШХТ фаолиятининг

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Юртимизда ёшларнинг билимли, ҳunarли, эртанги кунимиз учун етук мутахассис бўлиб етиштирилиши учун етарли шарт-шароитлар яратилган.

Тошкент темир йўл касб-ҳunar коллежи ҳам ушбу йўналиш бўйича ўғил-қизларни касбга йўналтирадиган таълим маскани саналади. Ушбу масканда ўқув жараёни услубий қўлланмалар, ўқув адабиётлари ва малакали муҳандис-педагог ходимлар билан тўла таъминланган. Ўқувчиларнинг ўқув амалиёти коллежнинг тегишли ўқуналар билан жиҳозланган ўқув устaxonаларида ўтказилади.

**СУРАТДА:** Тошкент темир йўл касб-ҳunar коллежидаги ўқув жараёнидан лавҳа. Ҳaқимжон Солиҳов олган сурат

### Шаҳар фаоллари йиғилиши

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

Куни кеча пойтахт фаолларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрининг жорий йил биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари сарҳисоб қилиниб, 2010 йил учун белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилиши юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Йиғилишнинг Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев олиб борди.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, давлатимиз раҳбари томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий оқибатларининг олдини олиш мақсадида узоқни кўзлаб вақтида татбиқ этилган чора-тадбирлар туфайли бутун республикадаги каби, Тошкент шаҳрида ҳам ҳисобот даврида макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик таъминланди. Инқирозга қарши дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг изчил ва тизимли амалга оширилиши натижасида иқтисодийни юксалтиришга қаратилган кўрсаткичларга ҳам эришилди, айниқса ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларининг жадаллашиши кузатилди.

(Давоми 2-бетда).



26 апрель — «Амир Темур» ордени таъсис этилган кун

## ЮРТ КЎКСИДАГИ МАНГУ ИФТИХОР

Мамлакатимиз салоҳиятини янада юксалтириш, халқимиз манфаати йўлида фидокорона хизмат қилаётган инсонлар меҳнатини муносиб тақдирлаш, Президентимиз Ислоҳ Каримов юридаётган сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Бу борада тарихимизни, умрбодий аъёнларимизни, қадриятларимизни ва эзгу орзу-интишларимизни ўзида акс эттирган орден ва медаллар, унвонлар таъсис этилди. Амир Темур ордени Ватанимизнинг ана шундай юксак мукофотларидан биридир.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг тарихий адолатини қарор топтириш, халқимизнинг миллий гурурини юксалтириш борасидаги ишлар натижасида кўплаб улуг аждодларимиз сингари Соҳибқирон Амир Темурнинг муборак номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймоси тикланди.

Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида таъкидлаганидек, тенгсиз азму шижоат, мардлик ва донишмандлик рамзи бўлган бу мумтоз сиймо буюк салтанат барпо этиб, давлатчилик борасида ўзидан ҳам амалий, ҳам назарий мерос қолдирди, илму фан, маданият, бунёдкорлик, дин ва маънавият ривожига кенг йўл очди.

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Нукусда 2010 йилнинг биринчи чорагида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқунлари ҳамда келгусидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкентдан Навоий вилояти томон йўл олган, 30,3 миллион сўмлик озик-овқат ва кийим-кечаклар, 384,5 минг АҚШ доллари миқдоридидаги дори-дармон ва тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари ўрин олган «Саломатлик поезде» манзилга етиб келди. Хайрия тadbирига сафарбар этилган 14 нафар малакали шифокор бир ҳафта давомида экологик жиҳатдан ноқулай шароитдаги қишлоқлар аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказди.

● Наманган вилояти ахборот-ресурс марказида «Жаҳон халқ оғзаки ижоди билан оғзаки кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда шаҳар ва туманлардан келган 12 та жамоа ўзаро баҳслашди.

● Гулистон давлат университетида «Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг долзарб муаммолари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Икки кунлик анжуман давомида иштирокчилар ўқув муассасаси қошида очилган тарих музейи билан ҳам танишдилар.

● Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сирдарё вилоят ахборот-таҳлил марказида «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрни» мавзуида семинар ўтказилди.

● «Камолот» ЁИХ Қорақўл туман бўлими кенгаши ва «Камалак» болалар ташкилоти туман мактаблари билан ҳамкорликда «Камалак билимдонлари» кўриктанловини ўтказди.

● Бувайда тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан тумандаги «Соғлом авлод» жамғармаси қошида махсус «Баркамол авлод» ҳисоб рақами очилди. Ушбу ҳисоб рақамга тушган маблағ мактаб ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг соғлигини мустақамлаш, дори-дармонлар харид қилиб, бепул тарқатиш, оналик ва болаликни химоя қилишга йўналтирилади.

## ЖАҲОНДА

● Кеча Австрияда президент сайлови бўлиб ўтди. Дастлабки ҳисоб-китоблардан сўнг амалдаги давлат раҳбари Хайнц Фишернинг 73,8 фоиз овоз тўплагани ҳолда ғалаба қозonganлиги маълум бўлди.

● Кеча Венгрияда ўтказилган парламент сайловларининг натижалари эълон қилинди. Унга кўра муҳолифатдаги Фидес партиясининг етакчиси Виктор Орбан зафар қучди ва 8 йиллик танаффусдан сўнг яна бош вазир вазифасини бажарадиган бўлди. Орбаннинг партиясига парламентдаги 263 та ўрин насиб этди.

● Кеча Эроннинг Ислоҳ инқилоби химоячилари корпуси томонидан Ормуз бўғозида ҳарбий-денгиз қучларининг кенг қўламли машқлари бошланди.

● Греция бош вазири Георгиос Папандреу расмий равишда молиявий ёрдам сўраб Халқаро валюта жамғармаси ҳамда евроҳудуд таркибига кирувчи мамлакатларга мурожаат қилди.

● Россия ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш билан шуғулланган йирик жиноий гуруҳни фош этди. Маълумотларга қараганда, улар шундай жиноий йўл орқали юз миллион рублдан кўпроқ маблағ ишлашган. Жиноятчиларни қўлга олиш бўйича ўтказилган махсус амалиёт чоғида 50 нафар киши ушланган бўлиб, улар орасида жиноий гуруҳнинг 9 нафар раҳбари ҳам бор.

● НАСА космик агентлиги Куёшнинг янги олинган суратини намойиш этди. Маълумотларга кўра, сунъий йўлдош орқали тасвирга туширилган мазкур расм жуда ноёб кўринишга эга. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу янгилик Куёш тизимини ўрганишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

● АҚШлик бир гуруҳ олимлар саратон касаллигига қарши самарали восита яратилди. Олиб борилган тадқиқотлар давомида ҳосил қилинган макрокетон молекуласининг ушбу хасталикка тўсик бўлиши мумкинлиги аниқланди. Ушбу молекула саратон хасталигининг инсон организмиде бир жойдан бошқа жойга ўтиб кетиши жараёнига тўсиклик қилади. Ҳозирча макрокетон сичқонларда муваффақиятли синаб кўрилди.



Қарор ва ижро

# СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

**Мамлакатимизда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни камолга етказиш борасида амалга ошириладиган ишлар кўлами кенгайиб бораётир.**

Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»-ги Қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан барча тиббиёт муассасалари ва ихтисослашган ўқув юрларида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Чилонзор тиббиёт коллежида ҳам шу мақсадда кўплаб тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда мазкур ўқув юртида 35-оилавий поликлиника шифокорлари иштирокида «Соғлом она — соғлом бола» мавзuida тадбир ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққан Чилонзор тумани

хотин-қизлар кўмитаси раиси Муаттар Содиқова «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг ёшлар учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини, шу билан бирга унда кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга



коллежда мунтазам ўтказилади. «Маънавий баркамол авлод — келажак пойдевори» мавзuida тадбир ҳам Баркамол авлод йили муносабати билан ташкил этилиб, унда Маънавий таърибот маркази шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим Абдуганиев, Чилонзор тумани бош отинойиси Халима Хайдарова, бошқа мутасаддилар ўз чиқишларида ёшларни маънан етук, жисмонан бақувват, билимли, барча жабҳаларда фол бўлишлари лозимлигини қайд этишди.

**Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА:** Чилонзор тиббиёт коллежида бўлиб ўтган тадбирлардан лавҳалар.

## ДАВРА СУҲБАТИ

**Тошкентда Ўзбекистонда кредит уюшмалари фаолиятини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**

Марказий банк, техник ҳамкорлик бўйича Германия жамиятининг Марказий Осиёда микролиятлашни ривожлантиришга кўмаклашиш минтақавий дастури билан биргаликда ўтказилган мазкур тадбирда Кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари миллий ассоциацияси, кредит ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

«Туркистон-пресс» хабар беришича, анжуманда бугунги кунда кредит уюшмалари 110 тага, уларнинг активлари 249.3 млрд. сўмга, мижозлари 171.9 мингга етганлигини қайд этилди.

Кредит уюшмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни такомиллаштиришга қаратилган музо-

каралар чоғида мижозларни ҳимоя қилиш ва хатарларнинг олдини олиш мақсадида кредит уюшмалари фаолиятини масофадан туриб назорат қилишни такомиллаштириш, жамғармаларни кафолатлаш тизимини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА

**Тошкент Молия институтининг суғурта экспертизаси мутахассислиги бўйича магистранти сифатида бу соҳага оид асосий маълумотларни интернет сайтлари орқали оламан. Интернет-суғурта, веб-сайтларнинг суғурта фаолиятининг ривожланишида тутган ўрни ҳақидаги мақолани ёзишимга ҳам айнан шундай имкониятлар туртки бўлди.**

Дарҳақиқат, бугунги кунда интернет ҳаётимизга тобора кенг кириб бормоқда. Интернетдан маълумотлар олиш веб-сайтлар орқали амалга оширилади. Шу ўринда, веб-сайтнинг ўзи нима деган савол туғилиши, табиий.

Веб-сайт инглиз тилидаги «website» сўздан олинган бўлиб, web «тармоқ», site сўзи эса «жой», яъни «тармоқдаги жой» деган маънони англатади. Оддий тил билан айтганда, веб-сайт — компьютер тармоғида корхона, ташкилот ёки фуқарога тегишли маълумотларнинг ягона манзил остида тўпланиши демакдир. Веб-сайтни баъзан ташкилот, компания ёки фуқаронинг интернетдаги вакили деб ҳам аташади. Нима бўлганда ҳам, ҳозирги кунда веб-сайтлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётда муҳим ўрин тутмоқда.

Дастлаб веб-сайт статистик маълумотлар йиғиндиси шаклида намоён бўлган ва дунёда биринчи веб-сайт 1990 йили Тим Бернерс-Ли томонидан яратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ахборотлашган жамиятни барпо этиш, замонавий ахборот технологиялари ҳаётга тат-

биқ этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. 2010 йил 1 январь ҳолатига мамлакатимизда корхона ва компаниялар ҳамда аҳолини

аҳолининг суғурта фаолияти тўғрисидаги маълумотлар билан танишишда суғурталовчиларнинг интернет тармоғидаги веб-сайтларининг

## ВЕБ-САЙТ ВА СУГУРТА

интернет тармоғи билан боғлайдиган ташкилотлар, яъни интернет-провайдерлар 958 тани ташкил этади. Интернет тармоғидан фойдаланувчилар 2,74 миллионга етди. Бу ҳар 1000 та фуқаронинг 97 таси интернет хизматидан фойдаланаяпти, деганидир. Ҳозирги кунда UZ зонасида рўйхатдан ўтган доменлар 9700 дан ошади.

Энди бевосита, юқорида таъкидлаганимдек, ўз соҳам, яъни суғурта соҳасида интернет веб-сайтларининг тутган ўрнини мисоллар билан кўрсатишга ҳаракат қиламан.

аҳамияти катта.

«Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси мамлакатимизда ўзининг веб-сайттини яратган биринчи компания ҳисобланади. Дастлаб компаниянинг веб-сайти «upic.uz» номи билан фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда «uzbekinvest.uz» деб номланади. Компания бугунги кунда йиллик ҳисоботлари бўйича, кўшимча маълумот олиш учун айнан шу сайтга мурожаат қилишни тавсия қилади.

Агар биз шу веб-сайтни очсак, биринчи навбатда компания брендида кўзимиз тушади. Сайтнинг бош саҳифасида тегишли бўлимларга хос маълумотлар келтирилган. Ҳар бир бўлим ўз ичига кичик бир бўлимни олади. «Суғурта агенти», «Суғурта

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасида ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

## ЁШЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Тадбирда Транспортдаги ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати, жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси, жойлардаги ички ишлар идоралари, ўрта ва олий таълим муассасалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мутасаддилари билан ҳамкорликда йил давомида турли мавзулардаги тадбирлар кўзда тутиладигани ҳақида маълумот берилди.

«Ёшлар орасида наркотик воситаларнинг тарқалишига қарши кураш ойлари», «Давомат», «Орият», «Тозалаш-Антитеррор» махсус тезкор-профилактик тадбирлари шулар жумласидандир. Хизмат ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва турли кўринишдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида «Ойна», «Ўсмир», «Таътил», «Хавфсизлик» ҳамда «Фамхўрлик» сингари профилактик тадбирлар ҳам ташкил этилиши белгиланмоқда.

Таъкидланганидек, айниқса транспортдаги ички ишлар идоралари профилактика нозирлари зиммасига юклатилган вазифалар низоҳатда мураккаб ва масъулиятли, улар замирида ягона мақсад эл-юрт тинчлиги, фуқароларимиз хавфсизлигини ва оқолиятлигини таъминлашдек олижаноблик мужассам.

«Туркистон-пресс»

## ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

**Пойтахтимизда мевасабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ривожлантириш ҳамда иссиқхоналарни кўпайтириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази ҳамда Жанубий Корея қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш маркази ҳамкорлигида таъкидланган тадбирда соҳа олимлари, фермерлар ҳамда хорижий меҳмонлар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор самарасида Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институтида касалликка чидамли, серҳосил, эртапишар ва иссиқхонада етиштириладиган янги нав ва дургайлар яратилди. Халқаро ҳамкорлар сафи кенгаймоқда. Хусусан, Жанубий Корея қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш маркази билан ўрнатилган илмий-амалий алоқалар экинлар ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилаётир. Институтда Кореядан келган 14 нафар талаба амалиёт ўтамоқда.

Анжуманда сабзавот, полиз экинлари ва картошқанинг касалликка чидамли, серҳосил, эртапишар янги навларини яратиш, иссиқхоналарни кўпайтириш ва ривожлантириш борасида фикр алмашилди.

Анжуман доирасида Жанубий Корея билан ҳамкорликда энгил конструкцияли муқобил иссиқлик манбаида ишлайдиган иссиқхона ишга туширилди.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА мухбири

Транспорт

## ЎЗАРО ШАРТНОМА АСОСИДА

**Транспорт воситаларининг мустаҳкам техник негизини яратиш мақсадида «Транстаъминот» акциядорлик жамияти қатор тадбирларни амалга оширмоқда.**

Россия ва Чехия корхоналари билан тузилган шартномалар бўйича четдан кўплаб техника воситалари харид қилинади. Жумладан, Россиядан трамвай вагонлари учун гилдираклар, двигател ва бошқа бутловчи қисмлар олиб келинади. Чехия томони эса вагонларнинг электр қисми учун эҳтиёт қисмларни етказиб беришни ўз зиммасига олди.

Айни вақтда «Мерседес-Бенц» ва «Исузу» русумдаги автобуслар ҳам керакли миқдорда эҳтиёт қисм ҳамда автошиналар билан таъминланади. Йил охиригача электр транспорти воситаларини туб таъмирлашга эришилади.

## МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК

**«Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра ҳар йили транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш жараёни амалга ошириб келинмоқда. Бундай муҳим тадбирнинг бир неча босқичи эса шу кунларда ўтказилмоқда.**

Транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш тартиблари ва қоидаларига риоя қилишда муҳим синов ҳисобланган мазкур жараёнга «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томонидан ҳам пухта ҳозирлик кўрилди.

Уюшма корхоналарида техник назорат жойлари жиҳозланиб, ҳаракат воситаларини кўриқдан ўтказиш учун зарур бўлган эҳтиёт қисм ва бўёқлар бут қилинди.

Бугунги кунда «Транстаъминот» акциядорлик жамияти кўмағида Россия ва Чехиядан эҳтиёт қисмларини келтириш тадбири кўрилмоқда.

## СЕРВИС ХИЗМАТИ ШОҲОБЧАЛАРИ

**Бугунги кунда «Мерседес-Бенц» автобусларига техник хизмат кўрсатишга катта аҳамият берилмоқда. Ушбу жараён билан учта сервис хизмати шуғулланади.**

«8-автосарой», «2-автобус саройи» ва «7-автосарой» акциядорлик жамиятлари ҳузурида очилган бундай сервис хизматлари замонавий дастгоҳ ва зарур техник воситалар билан таъминланган. Энг муҳими бу ерда касб-корини пухта эгаллаган тажрибали мутахассислар фаолият кўрсатади.

Ақбар АЛИЕВ

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ УЧУН ТАҚДИМОТ

**«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки томонидан олий ўқув юртлири учун тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

Тадбирда Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент Молия институти ва бошқа олий ўқув юртлири вакиллари иштирок этди.

Тақдимот банк тизимидаги бўш иш ўринларини давр талабига жавоб берадиган, юқори малакали мутахассислар билан тўлдирди, ёшларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган қизиқиш-интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилди.

Юртимизда соҳани такомиллаштириш борасида амалга ошириладиган қатор саъй-ҳаракатлар натижасида ёшлар ишга жалб этилиб, банкни юқори малакали кадрлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Тадбирда «Микрокредитбанк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, замонавий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

«Туркистон-пресс»

А.МУРАТОВ, Тошкент Молия институти магистранти

## БАДИЙ АКАДЕМИЯНИНГ СОВФАСИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори, шу театр актёри Теша Мўминов туғилганига 60 йил, ижодий фаолиятини бошлаганига 40 йил тўлиши муносабати билан ижодий кеча бўлиб ўтди.

Кечада сўзга чиққан таниқли санъаткорлар, санъатшунослар Теша Мўминов ижоди ҳақида самимий фикрларни билдирди. Тадбир доирасида актёр роллари акс этган ҳужжатли фильм намойиш этилди. Ижодкорнинг ўзи ҳам айрим ролларидан парчалар ижро этди.

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан расом Файзулла Аҳмадалиев мўқаламига мансуб йирик рангташвир «Теша Мўминов — Соҳибқирон Амир Темур қиёфасида» асари актёрга совға қилинди.

Маҳмуд АХМЕДОВ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида «Тасвирий санъат+5» ҳафталиги бўлиб ўтди. Ўзбекистон Бадий академияси томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда тасвирий ва амалий санъатнинг турли йўналишларида ижод қилаётган санъатшунослар, ўқитувчилар, талаба ва ўқувчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали Қўзиёв мазкур тадбирнинг моҳияти ҳақида гапирар экан, Президентимиз раҳнамолигида санъатнинг барча йўналишлари ривожига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, бебаҳо маънавий меросимиз асраб-авайлаб, бойитиб борилаётганлиги авваламбор ёшларнинг эстетик дидини юксалтиришга, бадий таълимни ҳам такомиллаштиришга хизмат қилаётганлиги таъкидлади.

Ташкилотчилар фикри билан айтганда, «Тасвирий санъат+5» ҳафталиги ҳам миллий санъатимизнинг бой мероси ва бугунги салоҳияти, айниқса ёш иқтидорлар ижоди билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништириш мақсадида ташкил этилди.

Ҳафталик доирасида «Баркамол авлод — юрт келажаги» мавзусидаги кўргазма алоҳида аҳамият касб этди. Ундан ёшларнинг тасвирий санъат асарлари ўрин олди. Марказий кўргазмалар залидан ташқари, ёш истеъодларнинг ижодлари билан атроф майдон ва боғ ҳудудида танишиш имконияти бўлди. Рангташвирнинг картина, портрет, манзара, натюр-морт жанрлари таниқли расомлар О.Муинов, Ч.Бекмиров, Ж.Умарбеков ва С.Абдуллаев ижодлари мисолида ҳам кенг намойиш этилди. Тайёр асарлар билан бир қаторда мўқалам усталари ҳам кўча ва хиёбонларда томошабинлар бевосита кўз ўнгидан янги асарлар ишлашди.

Шунингдек, графика



2010 йил — Баркамол авлод йили

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ ҚИЗГИН ЎТДИ

ва ҳайкалтарошлик, кулчилик ва миниатюра санъати, фото-видеоарт ва дизайн санъати ҳам кенг намойиш этилди. Кўргазмалар қаторида, ҳафталик давомида ижодий учрашувлар, маҳорат сабоқлари ўтказилди, концерт дастурлари, мусаввир ва хунармандлар ҳақида фильмлар кўрсатилди.

— Бундай тадбирда биринчи бор қатнашдим, — деди Камолид-

дин Бехзод номидаги миллий расомлик ва дизайн институти китоб графикаси факультети талабаси Нигора Озодова. — Ёшлигимдан расом бўлишни орзу қиламан. Портрет, табиат манзараларини чиқишни яхши кўраман. Бу каби анжуманлар санъат соҳасида ижод қилаётган биз, ёшларнинг истеъодини қўллаб-қувватлаб юзага чиқаришда, устозлари-

мизнинг ўғитларини синдиришимизда ҳам, шубҳасиз, муҳим омил бўлади.

Тасвирий санъат ҳафталиги якуни бўйича фаол қатнашган ёш ижодкорлар ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

Гулором ХАМИДОВА  
СУРАТДА: санъат ҳафталигидан лавҳа Козим Улмасов олган сурат

## Спорт янгиликлари

### ХАЛҚАРО ТУРНИР БОШЛАНДИ

Қозғоғистон пойтахти Остана шаҳрида ёшлар ўртасида футбол бўйича «Президент Кубоги» халқаро турнирига старт берилди.

Қувонарли жиҳати шундаки, 1994 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида уюштирилган ушбу турнирда юртимиз шарафини «Бунёдкор» футбол мактаби тарбияланувчилари ҳимоя қилишмоқда. Вакилларимиз «А» гуруҳида Санкт-Петербургнинг «Зенит», Хитойнинг «Суар-94», Алматининг «Цесна-94» жамоаларига қарши голиблик учун майдонга тушади. Дастлабки баҳсда тошкентликлар «Зенит» жамоаси билан куч синашишди.

«В» гуруҳини эса Москванинг ЦСКА, Туркиянинг «Галатасарой», Озарбойжоннинг «Боку» ва Сербия ёшлар терма жамоалари ташкил этган. Турнирнинг финал учрашуви 30 апрель кuni бўлиб ўтади.

Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда Осиё футбол конфедерациясининг «Келажак» лойиҳаси доирасида 2009 йилги натижалар бўйича танлаб олинган ёш ҳакамлар учун халқаро семинар ташкил этилди.

### ҲАКАМЛАРИМИЗНИНГ КУАЛА-ЛУМПУРГА ТАШРИФИ

Ушбу тадбирда мамлакатимиз вакиллари Артур Аҳмадалиев ва Акмал Раҳимов иштирок этди. Бир ҳафталик анжуман мобайнида ҳакамлар ФИФА томонидан тайёрланган тест синовларини топиришди, таниқли мутахассислар томонидан ташкиллаштирилган амалий ва назарий курсларда малака ошириб қайтишди.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

### ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳамда онгини ошириш демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида муҳим вазифалардан этиб белгиланган.

Ҳуқуқ соҳасига ихтисослашмаган лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида «Ҳуқуқ билимдонлари» республика танлови ташкил этилгани ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Мазкур беллашув лицей ҳамда коллеж ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари борасидаги билимини мустаҳкамлаш, ёшларда эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда энг зукко талабаларни аниқлаш ва рағбатлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловнинг худудий босқичида Тошкент шаҳрининг «Баркамол авлод» ҳамда Тошкент вилоятининг «Адолат» жамоалари ўзаро куч синашди.

Унда Тошкент шаҳрининг «Баркамол авлод» гуруҳи голиб чиқиб, танловнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(ЎЗА)

## «02» ХАБАРЛАРИ

М.Улуғбек тумани худудига ҳеч қаерда ишламайдиган Алишер, шериклари Бахтиёр ва Асланлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, шу туманда яшовчи Абдурахмонни уриб, тегиб, ёнидан «Нokia-1200» уяли телефон аппарати, талабалик гувоҳномаси, ойлик чиптаси ва 21.200 сўм пулини тортиб олиб қочиб кетишган.

Юнусобод туманидаги қурилиши битмадан дўкон олдига, ёлланма устачилик билан шуғулланувчи Раҳматилла корхона ишчиси Олегнинг орқасидан келиб, зўрлик ишлатиб қўлидаги пакетдаги 250.000 сўм пули ва 295.000 сўмлик «Нokia-3600» русумли уяли телефон аппаратини тортиб олиб, жуфтакни ростлаган.

Сергели туманида ёши тахминан 18-20 ларда, Осиё миллилатига мансуб 2 нафар номаълум шахслар, шу туманда жойлашган ўрта мактаб олдига ишламайдиган, шу туманда яшовчи Баҳодирга зўрлик ишлатиб, қўлидаги «Нokia-3600» уяли телефони олиб, қочиб кетишган. Олиб борилган қидирув иш-

лари натижасида, тезкор ходимлар томонидан ушбу жиноятни ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиган Сардор ва Комил содир этганлиги аниқланиб, улар қўлга олинди.

Учтепа туманидаги суд биноси олдига Севара ва Алевтиналар, 2-гуруҳ ноғирони Нортोजига зўрлик ишлатиб қўлидаги 1.000.000 сўмлик бриллиант кўзли зираги ва қўлидаги 325.000 сўмлик «Самсунг» уяли телефон аппаратини тортиб олиб, қочиб кетиб, жами 1.325.000 сўмлик моддий зарар етказишган. Жиноят-қидирув тезкор ходимлари томонидан олиб борилган қидирув ишлари натижасида, гумонланувчи шахслар Севара ва Алевтиналар қўлга олинди.

Ушбу юқорида кўрсатилган барча ҳолатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 166-талончилик моддаси билан жиноят иши кўзгатилиб, гумонланувчиларга нисбатан тегишли тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Юлдуз АШИРОВА,  
Тошкент шаҳар ИИББ  
ИХҚ ва ЮТ бўлими,  
Матбуот маркази  
катта инспектори

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент Молия институти «Бюджет ҳисоби», «Аудит», «Сугурта иши», «Иқтисодий назария» кафедралари мудирлари кафедралар бўйича — «Бухгалтерия ҳисоби» - доцент, катта ўқитувчи; «Фазначилик иши» - катта ўқитувчи; «Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» - катта ўқитувчи; «Молия» - катта ўқитувчи; «Солиқлар ва солиққа тортиш» - доцент; «Молиявий таҳлил» - доцент, катта ўқитувчи; «Бизнес ва иқтисодиёт» - катта ўқитувчи; «Молия инжиниринги ва бозорлар» - катта ўқитувчи; «Менеджмент» - катта ўқитувчи; «Информацион технологиялар» - доцент, катта ўқитувчи; «Молия-кредит йўналишлари бўйича чет тиллари» - катта ўқитувчи бўш (вакант) лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел: 234-66-58

«Республика Қўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Яққасарой тумани СИБ томонидан, Тошкент ш, Яққасарой т, Кичик ҳалқа йўли кўчаси манзилида жойлашган, умумий майдони 56 кв.м., 2та хонадан иборат бўлган Савдо мажмуаси қўйилмоқда (ижро ҳужжати 24.07.09й, №1-313/2009). Бошланғич баҳоси — 8 603 204 сўм.

Аукцион савдосига 2010 йил 1 июнь кuni соат 11:00да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги мулк 2010 йил 1 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 22 июни кuni бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотлари 228-79-52 телефон рақами ёки биржанинг www.ktmb.uz расмий вебсайти орқали олишингиз мумкин.

Савдога қўйилган мулк бўйича тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 %дан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2021000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзилими: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.ktmb.uz.

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,  
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилди.  
3973 нусхада босилди.  
Қозғоғ бичими А-2



## МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ЧИРОЙЛИ ХУЛҚ БАЁНИ

Бўлса гар ҳар жойда бу хулқи хуш,  
Жумла одам банди доми хулқи хуш.

Истасанг озодлиғ икки жаҳон,  
Хулқи хуш қил, доимо бўлғил амон.

Жумла олам зери пойи хулқи хуш,  
Жумла олам банди пойи хулқи хуш.

Хулқи хушдек йўқтур ҳеч неъмате,  
Хулқи баддек йўқтур ҳеч иллате.

Эй дило, бўл домо бо хулқи хуш,  
Рўзу шаб қилғил талаб  
бир хулқи хуш.

Хулқи хушдек йўқ рафиқ  
ҳаргиз бу йўл,  
Тоб ани шабу рўз ани бирла бўл.

### ОДОБ ҲАҚИДА

Ҳар кишида хулқи хуш  
кам-кам бўлур,  
Ул кишида бихи бад маҳкам бўлур.

Хулқи бадни суврати мардум эрур,  
Дарҳақиқат мер ҳам каждум эрур.

Хулқи баддин дўстлар  
душман бўлур,  
Хулқи хушдин хорлар гулшан бўлур.

Жон бериб ол хулқи хушни,  
эй дариг,  
Келмагай бу хулқи хушни ҳеч тиг.

Эй биродар, хулқи бад  
диндан чиқар,  
Ким чиқармас мазҳабу  
диндин чиқар.

Бу тан ичра хирсларинг  
маҳкам бўлур,  
Қувватинг кундан кунга  
кам-кам бўлур.

Тут бу пандимни қулоғинга ниҳон,  
Дам-бадам сан пир бўлурсан  
ул жувон.

Кетса гар ногоҳ сандин қувватинг,  
Кетгай они бирла ҳамроҳ қудратинг.

Хулқи хуш сиз айлаган тоат ҳама,  
Оқибат жониға офатдур ҳама.

Хулқи бад санғхора хулқи  
хуш гуҳар,  
Хулқи хуш чун шахд,  
бадхулқи заҳар.

Бўлса кўзи кўрмас гар англамас,  
Бўлса шамъ зулматни ҳеч  
ким хоҳламас.

Хулқи хуш чун жон, тоат мисли тан,  
Йўқ турур бу сўзда ҳаргиз  
рай бу занн.

Бўлса бу мажлисда бир  
фаҳмида кас,  
Кўп демаклиғ айбдур,  
бир ҳарф бас.

(Давоми бор)

Маҳмуд ҲАСАНИЙ ва  
Мавжуда РАЗЗОҚОВА  
тайёрлаган



Бош муҳаррир  
Акмал АКРОМОВ  
Манзилими: 100029,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32